

**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 12 » декабрь 2018 у.

№ 1008

Toshkent sh.

**Сув хўжалиги ташкилотлари томонидан саноат ва энергетика
ташкилотларига техник сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган
хизматлар учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ–3672-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Сув хўжалиги ташкилотлари томонидан саноат ва энергетика ташкилотларига техник сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб кўйилсинки, мазкур Низоми 2019 йил 1 январидан кучга киритилиб, 2024 йил 1 январга қадар 2-иловада қайд қилинган саноат ва энергетика ташкилотларига етказиб берилган техник сув учун хизмат ҳақини ҳисоблашда, истисно тариқасида, 0,1 коэффиценти қўлланилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда техник сув етказиб бериладиган саноат ва энергетика ташкилотларини бир ой муддатда хатловдан ўтказсин ҳамда улар билан белгиланган тартибда техник сув етказиб бериш хизмати тўғрисида шартномаларни расмийлаштирсин;

Молия вазирлиги билан биргаликда 2019-2023 йиллар тажрибасидан келиб чиқиб сув хўжалиги ташкилотлари томонидан саноат ва энергетика ташкилотларига техник сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш тартибини такомиллаштириш юзасидан 2023 йилнинг 1 ноябрига қадар Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамият бошқарув раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “12” декабрдаги ~~1008~~-сон қарорига
1-илова

**Сув хўжалиги ташкилотлари томонидан саноат ва энергетика
ташкилотларига техник сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган
хизматлар учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади) тизимидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан саноат ва энергетика ташкилотларига техник сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш тартибини ҳамда ушбу хизматларни кўрсатишдан келиб тушган маблағларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари гидроэнергетика соҳасидаги ташкилотларга ҳамда аҳоли истеъмоли учун ичимлик суви, иссиқ сув ва иссиқлик энергиясини етказиб берувчи коммунал соҳа ташкилотларига сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

техник сув – саноат, энергетика ва бошқа соҳаларнинг техник эҳтиёжлари учун ишлатиладиган сув;

сув хўжалиги ташкилотлари – Вазирлик тизимидаги сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилувчи ҳамда саноат ва энергетика корхоналарига техник сув етказиб бериш хизматларини амалга оширувчи ташкилотлар;

саноат ва энергетика ташкилотлари – саноат маҳсулотлари ва электр энергияси ишлаб чиқариш учун техник сувдан фойдаланадиган ташкилотлар.

4. Сув хўжалиги ташкилотлари томонидан саноат ва энергетика ташкилотларига техник сув етказиб бериш бўйича хизматлар улар ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ тўловлар асосида амалга оширилади.

**2-боб. Техник сув етказиб бериш
харажатларини аниқлаш тартиби**

5. Вазирлик тизимидаги сув хўжалиги ташкилотларининг бир бирлик (1 куб м) ҳажмдаги техник сув етказиб бериш харажатлари мазкур ташкилотларни сақлаш учун ажратилган маблағлар ва етказиб бериладиган сув миқдоридан келиб чиқиб аниқланади.

6. Бир бирлик ҳажмдаги сувни етказиб бериш тарифи қуйидаги формулага асосан аниқланади:

$$X_{\text{тс}} = \Pi_{\text{хм}} / X_{\text{ср}}$$

бунда:

$X_{тс}$ – бир куб м сувни етказиб бериш харажати, сўм;

$P_{хм}$ – тасдиқланган бюджет параметрларида календарь йилда сув хўжалиги ташкилотларини ривожлантириш ва сақлаш учун Вазирликка ажратилган харажатлар миқдори, сўм;

$X_{ср}$ – календарь йилда сув хўжалиги ташкилотлари томонидан иқтисодиёт тармоқларига етказиб бериладиган жами сув ресурси миқдори, куб м.

Ушбу тариф ҳар календарь йилнинг 1 февралигача Вазирлик томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

3-боб. Техник сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш тартиби

7. Саноат ва энергетика ташкилотлари ҳар ой давомида етказиб берилган техник сув учун тўловларни кейинги ойнинг 5-санасига қадар сув хўжалиги ташкилотларининг Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

8. Саноат ва энергетика ташкилотларига техник сув етказиб бериш хизматидан келиб тушган маблағлар сув хўжалиги ташкилоти томонидан қуйидагича тақсимланади:

90 фоизи – беш иш куни мобайнида Вазирлик ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармасига ўтказиб берилади;

10 фоизи – сув хўжалиги ташкилотларининг ихтиёрида қолдирилади.

4-боб. Техник сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлардан келиб тушган маблағлардан фойдаланиш тартиби

9. Вазирлик ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармасига техник сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлардан келиб тушган маблағлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлдаги 500-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомда кўрсатиб ўтилган мақсадларга сарфланади.

10. Ушбу Низом 8-бандининг учинчи хатбошида кўрсатиб ўтилган сув хўжалиги ташкилотларининг ихтиёрида қолдириладиган маблағлар қуйидаги мақсадларга сарфланади:

сув хўжалиги объектларида фавқулодда ҳолатлар юз беришининг олдини олиш ва табиий офатлар юз берган ҳолларда уларнинг салбий оқибатларини бартараф этишга;

ходимларни белгиланган тартибда ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантиришга;

сув хўжалиги ташкилотлари тасарруфидаги ирригация тизимини таъмирлаш ва тиклаш ҳамда сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш

воситалари билан жиҳозлашга, ташкилотларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан лизинг тўловларини амалга ошириш ҳамда кадрлар малакасини оширишга йўналтирилади.

5-боб. Яқунловчи қоида

11. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “12” декабрдаги 103-сон қарорига
2-илова

**Техник сув етказиб берилганлиги учун хизмат ҳақини
ҳисоблашда 0,1 коэффиценти қўлланиладиган
саноат ва энергетика ташкилотлари
РЎЙХАТИ**

1. “Ангрен иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамияти
2. “Навоий иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамияти
3. “Талимаржон иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамияти
4. “Тахиаташ иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамияти
5. “Тошкент иссиқлик электр станцияси” унитар корхонаси
6. “Тошкент иссиқлик электр маркази” унитар корхонаси
7. “Янги-Ангрен иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамияти
8. “Дехқонобод калий ўғитлар заводи” унитар корхонаси

